

2021 йилнинг 1 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кўмагида “Банклар ва ритейл. Рақамли трансформация ва ўзаро ҳамкорлик” мавзусига бағишланган ПЛАС форуми бўлиб ўтади.

“БАНКЛАР ВА РИТЕЙЛ” ПЛАС-ФОРУМИ БЎЛАДИ



Халқаро форум банк ва чакана савдо соҳалари вакиллари бирлаштириб, улар ўртасида самарали мулоқот майдони бўлиб хизмат қилади.

ПЛАС форумда банк ва чакана савдони ривожлантириш, банк хизматлари рақамли трансформациясининг энг долзарб масалалари ҳамда мамлакат иқтисодиётини янада рақамлаштиришга қаратилган ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишлари муҳокама этилади.

Форум дастуридан:

- рақамлаштириш — ривожланишнинг асосий омили сифатида;
- банк хизматлари бозори катта ўзгаришлар остонасида;
- Ўзбекистонда чакана савдо: минг йиллик анъаналари ва янги йўналишлар;
- нақд пуллар, банк картаси, электрон тўлов воситалари ва бошқа мавзулар ўрин олган.

Форумда халқаро ва маҳаллий экспертлар ўз тажрибаси ва бизнесдаги ютуқлари билан ўртоқлашади.

ХМК ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида халқаро молия корпорацияси (ХМК) нинг Марказий Осиё бўйича минтақавий менежери Кассандра Колберт бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот давомида ўзаро ҳамкорликка доир муҳим масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, давлат улуши бор банкларни трансформация қилиш ҳамда маҳаллий капитал бозорида ХМК облигацияларини чиқариш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

ХМК экспертлари мамлакатда қимматли қоғозлар сотишнинг амалдаги механизмини янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

БАНК ОБЛИГАЦИЯЛАРИ УЧУН КАЛЕНДАРЬ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк тизими ликвидлигини самарали тартибга солиш, тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш, шунингдек, пул бозоридаги фоиз ставкаларининг белгиланган параметрларда бўлишига эришиш мақсадида доимий тарзда пул бозорида ликвидлик бериш ва ликвидликни жалб қилиш бўйича операциялар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2020 йилнинг январь ойидан бошлаб банк тизимидаги ортиқча ликвидликни қисқа муддатларда жалб қилиш ҳамда тижорат банкларида гаров базасини шакллантириш мақсадида, Марказий банк облигациялари мунтазам равишда муомалага чиқарилмоқда. Ҳозирги кунга келиб, Марказий банк облигациялари пул-кредит сиёсатининг асосий инструменти билан бирига айланган.

Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, пул бозорида амалга оширилаётган операцияларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида, Марказий банк облигациялари

№	Муомалага чиқарилиши санаси	Облигациялар миқдори	Облигациялар муддати
1	07.04.2021	200 000	5 ой
2	14.04.2021	200 000	4 ой
3	21.04.2021	200 000	3 ой
4	05.05.2021	200 000	5 ой
5	12.05.2021	200 000	4 ой
6	19.05.2021	200 000	3 ой
7	09.06.2021	200 000	5 ой
8	16.06.2021	200 000	4 ой
9	23.06.2021	200 000	3 ой
	Жами	1 800 000	

нинг белгиланган календарь асосида муомалага чиқарилиш амалиёти жорий қилинди. Бу ўз навбатида, тижорат банкларига ликвидликни олдиндан прогноз қилиш ва бошқаришда кўшимча қулайликлар яратади.

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА БАНК КАРТАЛАРИ

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари тўғрисидаги Низом” ягона ҳужжат тарзида ишлаб чиқилди. Низом жорий йилнинг 3 апрель куни 3294-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Янги таҳрирдаги меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнида тижорат банклари ва кенг жамоатчилик, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг таклиф ва мулоҳазалари ҳам ўрганилди. Низомда карта ҳисобварағини тўлдириш амалиёти карта ҳисобварағини очган юридик шахс ёки яққа тартибдаги тадбиркорларнинг тўлов топшириқномаси асосида исталган талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағидан амалга оширилиши белгиланди (аввалги тартибга кўра, карта ҳисобварағини тўлдириш фақат асосий талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағидан амалга оширилган).

Шунингдек, юридик шахс ва яққа

тартибдаги тадбиркорлар учун чет эл валютасидаги банк карталарини эмиссия қилиш ва улар томонидан мазкур банк карталари орқали носоавдо тусдаги валюта операцияларини (хизмат сафари харажатлари ва ҳ.к.) амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги белгиланди.

Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида тўлов терминалини ажратиш бўйича қилинган мурожаатларни кўриб чиқиш муддати бир ойдан ўн иш кунига ҳамда мижознинг ўзида мавжуд бўлган тўлов терминалига дастурий таъминотни ўрнатиш юзасидан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш муддати бир ҳафтадан уч банк иш кунига қисқартирилди.

UZCARD VA HUMO УЧУН БИТТА ТЕРМИНАЛ



Uzcard ва Humo тўлов тизимлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Ҳужжат Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштиришга хизмат қилувчи қўшма лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутди.

2021 йил охирига қадар тўлов тизимлари терминаллари иккала турдаги карталарни ҳам қабул қила бошлайди. Истеъмолчилар савдо нуқталари қайси терминалдан фойдаланаётганини сўраб ўтиришга ҳожат қолмайди, тадбиркорлар эса ҳар иккила картадан ҳам тўловларни битта терминал орқали қабул қила олади.

2021 йил, апрель

БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕЛИКЛАР, ЎЗГАРИШЛАР МИКРОКРЕДИТ ВА ЛОМБАРД ХОДИМЛАРИ УЧУН ЎҚУВ СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги банк му- тахассисларини қайта тайёрлаш корпоратив марказида микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар ходимлари учун молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини


ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган ўқув семинар ташкил қилинди.

Тадбирда молиявий хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда нобанк кредит ташкилотларининг фаолият

тига қўйилган талаблар ҳамда мижозлар билан ўзаро муносабатларнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди. Семинарда молия бозорида одоб-ахлоқ тамойилларига риоя этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, молиявий хизматлар истеъмолчиларини қийнаб келаётган муаммолар агрофлича таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) билан ҳамкорликда 2021-2023 йилларга мўлжалланган молия тизими ва тадбиркорликда гендер инклюзивлигини ошириш масалалари бўйича Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқди.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ



Ҳужжатда Молиявий инклюзивликни ошириш агентлиги (АФИ) тармоғи Denarau (DAR) Ҳаракатлар режасига мос келувчи, аёлларнинг молиявий хизматларидан фойдаланишини оширишга қаратилган 9 та асосий ташаббус баён этилган.

Ҳаракатлар режасига Марказий банк томонидан илгари сурилган қуйидаги ташаббуслар ҳам киритилди:

- аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- ўз бизнесини бошлаётган аёллар учун қисқа муддатли бизнес ва молиявий таълим дастурларини амалга ошириш;
- тақчилликни шакллантириш ва гендер турфа хиллиги бўйича таълим бериш орқали Марказий банкнинг ўзида ҳам гендер хилма-хиллигини илгари суриш.

МАРКАЗИЙ БАНК БИРИНЧИ ЎРИНИ ОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 июндаги ПҚ-4751 сонли қарорида юклатилган вазифаларга мувофиқ, “Киберхавфсизлик маркази” ДУК томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти

органларида ахборот ва киберхавфсизликнинг таъминланганлиги ҳолати 2021 йил 1 чораги якуний натижалари бўйича рейтинг баҳолаш ўтказилди.

Энг юқори рейтингдаги ташкилотлар Топ-10 талигида Ўзбекистон



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2020 йил якунларига бағишланган “Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи” нашри тақдим этилди.

Ушбу нашр Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тайёрланган. Нашрда 2010-2020 йиллар учун тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси, шунингдек, ташқи қарзи бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, улар Халқаро валюта жамғармасининг Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланмасининг олтинчи нашрига ҳамда ташқи қарз статистикаси бўйича қўлланмага мувофиқ тайёрланган.

Республикаси Марказий банки, Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва қатор банклар, бошқа ташкилотлар, шу жумладан, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари ўрин олди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур рейтингда 96.6 балл билан биринчи ўринни эгаллади.

ТАЙИНЛОВ



Банк Бошқаруви раисининг 2021 йил 5 апрель кунги 6/к - сонли буйруғига асосан, “Hamkorbank” АТБ Шахрихон филиали Бошқарувчи ўринбосари — фронт офис бошлиғи **Юлдашев Хусниддин Рустамович** 2021 йил 6 апрелдан “Hamkorbank” АТБ Қувасой филиали бошқарувчиси лавозимига тайинланди.

НАМКORBANK ВА VIZANING НАВБАТДАГИ ҚИММАТБАҲО СОВҒАСИ – “NEXIA-3” АВТОМОБИЛИ НАМАНГАНГА ЙЎЛ ОЛДИ

“Hamkorbank ва Viza бир-галикда совғалар улашадди” лойиҳасида 10318 нафар ҳамюртимизнинг картаси иштирок этди.

Бор йўғи — 5 АҚШ доллари микдоридаги харидни амалга оши-

риш зарур бўлган акцияда 7 нафар ғолиб аниқланди. Уларнинг 6 нафарига замонавий, энг сўнгги русумдаги смартфонлар, супер ютуқ соҳиби — Солибоев Саидолимхўжа Хусанхўжа ўғлига эса “Nexia - 3” автомобили

Жорий қилинган янги махсулот турлари



насиб этди. “Hamkorbank”нинг Instagram саҳифасида тўғридан-тўғри эфирга узатилган ютуқли ўйин барча кузатувчи ва иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

“Hamkorbank”нинг НАМКOR иловаси Сизнинг энг яқин дўстингизга айланиши мумкин



Янги НАМКOR иловасини кутиб олинг!

bank Humo’сига Visa Direct

Hamkor иловаси чегара билмас имкониятлар. Илова ёрдамида хориж мамлакатларининг Visa картасига осонлик билан пул ўтказинг. Комиссион тўловлар анъанавий халқаро пул ўтказмаларига қараганда эътиборли даражада кам эканлигини ҳис этинг.

“Hamkorbank” тизимидаги ўтказмалар учун комиссия тўловлари олинмайди.

Бошқа банкларнинг карталарига ўтказмалар учун комиссия тўлов — 1% (камида 1 АҚШ доллари).

Карта ёрдамида амалга оширилган тўлов ва кредитларни назорат қилиш.

Hamkor — универсал ёрдамчи. Илова кўмагида кредитларни сўндириш жадвалидан доимий равишда хабардор бўласиз. Бундан ташқари, карта ёрдамида амалга оширилган тўловларни кузатиш ва таҳлил қилиш имкониятини қўлга киритасиз.

буларнинг барчаси сизнинг қўл остингизда.

Картадан картага қулай ва арзон пул ўтказмалари:

Humo’дан Uzcard’га — 0,5%

Uzcard’дан Humo’га — 0,5%

Uzcard’дан - Uzcard’га — 0,5%

Бепул ўтказмалар:

Humo’дан Humo’га

Исталган Humo’дан Hamkorbank Uzcard’ига

Исталган Uzcard’дан Hamkor-

“Hamkorbank” АТБ Қувасой филиалининг “Хамроҳ” минни банк банк хизматлари офиси (БХО)га айланганидан кейин ҳам ўз самарадорлигини сақлаб қолди. Режа кўрсаткичларини юқори натижалар билан адо этиш бу тармоққа хос анъана.

ЯХШИ “ХАМРОҲ” — ЯХШИ ХАМКОР

Беш нафар ходим фаолият юритаётган муассасада барча турдаги банк амалиётлари йўлга қўйилган. Айни пайтда 350 нафар юридик ва 1500 нафар жисмоний шахслар доимий мижоз сифатида “Хамроҳ” банк офисининг хизматларидан фойдаланмоқда.

Бир кунда 150-200 нафарга яқин фуқаролар турли-туман масалалар билан мурожаат қилади. Офис ходимлари эшикдан кириб келган ҳар бир юртдошимизнинг ташрифини эътиборсиз, муаммосини ҳал қилмасдан қолдирмайди. Одамларнинг иши битгани ва кўнглидагидек хизмат



кўрсатилгани учун ҳам бу банкка ҳурмати ўзгача.

Тармоқнинг ютуқларидан бири шундаки, у кўп йиллардан буён юридик мижозлардан олинадиган фоизсиз даромад, яъни РКО бўйича банк хизмат-

лари офислари орасида биринчи ўринни эгаллаб келади.

Бу йилги кўрсаткичлар ҳам ҳар доимгидек ижобий. Шу кунгача бўлган фойда режасини 741 миллион сўмга, яъни 91,2 фоизга бажарди. Юридик мижозларга кредит ажратиш бўйича белгиланган режа 110 фоизга етказилди.

“Хамроҳ” “Hamkorbank” БХОлари орасида энг кўп даромадни беради. Кичкина банк муассасасининг йиллик фойда режаси 4 миллиард сўмни ташкил қилади. Умид қиламизки, йил охирига бориб ушбу кўрсаткич ортиғи билан удаланади. Шаҳбоз Жўраев бошқариб келаётган бу кичик банк жамоаси йўлга қўйган тартибли ва барқарор меҳнат муҳити орқали бошқа жамоаларга ўрнак бўлиб келмоқда десак, адашмаймиз. Ўз номи билан яхши хамроҳ ва яхши ҳамкор бўла оладиган бу тармоқнинг ишлари ҳамиша илгари бўлсин.

Н. ТЎХТАМАТОВА.

ФИЛИАЛЛАР РЕЙТИНГИ

“ЭНГ САМАРАЛИ ФИЛИАЛ” ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Банк Бошқарувининг 2021 йил I-чорак яқунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши Бош офисда 2021 йилнинг 17 апрель куни бўлиб ўтди. Январь, февраль ва март ойларида самарали фаолият юритган филиаллар ичида 5 таси ғолибликка муносиб кўрилди.

I – гуруҳдаги филиаллар
1 – ўрин ЮНУСОБОД ФИЛИАЛИ

II – гуруҳдаги филиаллар
1 – ўрин БУХОРО ФИЛИАЛИ

III – гуруҳдаги филиаллар
1 – ўрин МАРҒИЛОН ФИЛИАЛИ

IV – гуруҳдаги филиаллар
1 – ўрин ХАЗОРАСП ФИЛИАЛИ

V – гуруҳдаги филиаллар
1 – ўрин УРГУТ ФИЛИАЛИ



“Hamkorbank” АТБ Банк Бошқаруви йиғилишининг 9 апрель кунги 180-сонли мажлис баёнига асосан, Банкнинг оптималлаштириш ва марказлаштириш стратегиясидан келиб чиқиб, банк хизматлар офисларининг молиявий кўрсаткичлари, бино майдонининг тегишли талабларга мос келиши ҳамда ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини инобатга олиб, Қўқон филиалининг “Муқимий” банк хизматлари офиси фаолияти тугатилди. “Муқимий” БХОси ходимлари филиалнинг “Бешарик”, “Бувайда” ва “Тўзал” банк хизматлари офисларига ўтказилиши белгиланди.